33 (585)-сон — 41 — 442-модда

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

## 442 «Тадбиркорлик фаолияти сохасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тӱгрисида»ги Ӱзбекистон Республикаси Қонунига мувофик, шунингдек тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун янада кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

1. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар руйхати 1-иловага\* мувофиқ;

Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўгрисидаги низом 2-иловага мувофик тасдиклансин.

- 2. Қонун хужжатларига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланиши маълумот учун қабул қилинсин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Махкамасига қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қушимчалар туррисида таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиклаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 15 август, 225-сон



<sup>\* 1-</sup>илова рус тилидаги матнда берилган.

442-модда

33 (585)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига 2-ИЛОВА

# Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўгрисида НИЗОМ

#### І. Умумий қоидалар

- 1. Ушбу Низом «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари туррисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофик ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар реестрларини юритиш тартибини белгилайди.
- 2. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестри (кейинги ўринларда реестр деб аталади) ўзида рухсат этиш хусусиятига эга берилган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган ҳужжатлар, шунингдек амал қилиши туҳтатиб турилган, тикланган ёки туҳтатилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар туҳғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар мавжуд булган барчанинг танишиши учун очиқ булган давлат реестрини ифодалайди.
- 3. Ваколатли органлар реестрни юритиш билан боглиқ тартиб-таомилларни амалга оширишда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тӱгрисида»ги Ӱзбекистон Республикаси Қонунига, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ӱтиш тартиби тӱгрисидаги низомларга, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.
- 4. Реестр хатти-ҳаракатни содир этиш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар берилган тадбиркорлик субъектларининг давлат ҳисобини юритишни таъминлаш ва улар тўгрисидаги маълумотларни тақдим этиш мақсадида юритилади.

### II. Реестрни юритиш тартиби ва унинг мазмунига қүйиладиган талаблар

- 5. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжат берилганлиги тўгрисидаги маълумотлар реестрга тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга хужжат бериш тўгрисида қарор қабул қилинган кунда киритилади. Реестрдаги барча қайдларга сана қўйилади ҳамда улар имзо ва мухр билан тасликланади.
  - 6. Қар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

тадбиркорлик субъектлари тўгрисидаги асосий маълумотлар (тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-хукукий



шакли, почта манзили, телефони, тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспортига оид маълумотлар, почта манзили, телефони);

рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар берилган сана ва уларнинг тартиб рақами;

рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг амал қилиш муддатлари (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар учун);

рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни қайта расмийлаштиришнинг, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асоси ва санаси (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар учун), амал қилишини тухтатиб туриш ва тиклаш;

рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг амал қилишини тўхтатиш учун асос ва сана;

рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бекор қилишнинг асоси ва санаси:

рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг дубликатларини беришнинг асоси ва санаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўгрисидаги низомда белгиланган бошқа маълумотлар.

7. Реестр қоғозда ва электрон манбаларда юритилади. Қоғоздаги ва электрон манбалардаги ёзувлар ўртасида номувофиклик мавжуд бўлган такдирда қоғоз манбалардаги ёзувлар устувор ахамиятга эга бўлади.

**К**огоз манбадаги реестр ваколатли орган томонидан бир нусхада юритилади.

Реестр журнали ип ўтказиб тикилади, тартиб рақами қуйилади ва унинг орқа томонида саҳифалар сони, журнални юритиш бошланган сана (йил, ой, кун) курсатилади, ваколатли органинг муҳри босилади ва раҳбарининг имзоси қуйилади.

Реестр ваколатли органларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган реестр маълумотлари ушбу маълумотларни тасдиклайдиган хужжатлардаги мавжуд маълумотларга мувофик бўлмаган такдирда ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган маълумотлар уларга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ишончли хисобланади.

- 8. Ваколатли органлар рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тухтатиб туриш, тиклаш, тухтатиш туррисида қарор қабул қилинган ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар бекор қилинган кунда реестрга тегишли қайдларни киритади.
- 9. Реестрдаги мавжуд маълумотлардан умумий равишда фойдаланилади, конун хужжатларида назарда тутилган холатлар бундан мустасно. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар берилган аник тадбиркорлик субъект-



442-модда — 44 — 33 (585)-сон

лари тўгрисидаги маълумотлар тегишли реестрдан кўчирма тарзида берилали.

Реестрдаги мавжуд маълумотларни такдим этиш муддати ваколатли орган томонидан тегишли сÿров олинган кундан бошлаб бир иш кунидан ортик бÿлиши мумкин эмас.

### III. Якунловчи қоида

10. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.